



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
REKTORINING 86-X - SONLI BUYRUG‘I

23 aprel 2025 yil.

Samarqand sh.

**“Yo‘l xaritasi” ishlab
chiqish to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 26-martdagi 01-23-93-sonli yo‘l xaritasi ijrosini ta’minlash maqsadida

BUYURAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 26-martdagi “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tizimida korrupsiyaviy omillarni aniqlash va bartaraf etish hamda Korrupsiyadan holi muhitni yaratish borasida aniq chora-tadbirlarni amalga oshirish bo‘yicha yo‘l xarita to‘g‘risida”gi 01-23-93-sonli yo‘l xaritasi ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. **Korrupsiyaga qarshi kurashish, Komplayens nazorat tizimini boshqarish bo‘limi boshlig‘i H.Shakarovga:**

Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 26-martdagi yo‘l xaritasidan kelib chiqib, Institutda Korrupsiyadan holi muhitni yaratish borasida aniq chora-tadbirlarni amalga oshirish bo‘yicha yo‘l xaritasini ishlab chiqish vazifasi yuklatilsin.

3. **Devonxona mudiri (Sh.Djumabayev)ga** mazkur buyruq hamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 26-martdagi 01-23-93-sonli yo‘l xaritasini barcha prorektorlar, fakultet dekanlariga, bo‘lim boshliqlariga hamda kafedra mudirlariga yetkazilishini ta’minlasin.

4. Ushbu buyruq ijrosini nazorat qilish Yoshlar masalalari va ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor A.Berdimurodov zimmasiga yuklatilsin.

Asos: Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 26-martdagi 01-23-93-sonli yo‘l xaritasi.

Rektor



M.Po‘latov

“Келишилди”
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси

Ш.Ж.Тўхтабоев

“26” март 2025 йил



“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

К.А.Шарипов

“26” март 2025 йил

or DP-23-93

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда “Коррупциядан ҳоли” муҳитни яратиш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича

ЙЎЛ ХАРИТА

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
I. Норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш					
1.	Соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Соҳага оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, уларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш. 2. Тизимдаги қонунчилик ҳужжатларидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ҳаволаки нормалар, ҳуқуқий коллизиялар ҳамда ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва бошқа мураккабликларни юзага келтираётган ҳолатларни таҳлил қилиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Натижаси бўйича ишлаб чиқилган таҳлилий ҳужжатлар ва таклифларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига киритиш.	2025 йил июнь 2025 йил 1 июль 2025 йил 10 июль	Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Юридик таъминлаш бўлими, Коррупцияга қарши курашиш бўлими, Олий аттестация комиссияси	Маблағ талаб этилмайди

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
2.	Диссертация мавзуларини эълон қилишда “Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими” орқали амалга ошириш.	<p>1. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказиш ва “Олий аттестация комиссияси Бюллетени” журналида эълон қилишни бекор қилиш.</p> <p>2. Инновацион ривожланиш агентлигининг “Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими” орқали эълон қилиш.</p>	Доимий, тасдиқланган тартиб асосида	Олий аттестация комиссияси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	Маблағ талаб этилмайди
3.	Диссертациялар илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган миллий ва халқаро журналлар рўйхатини тасдиқлаш амалиётини бекор қилиш. Миллий илмий нашрларнинг электрон рейтинг асосида шакллантириш.	<p>1. Диссертациялар илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган миллий ва халқаро журналлар рўйхатини тасдиқлаш амалиётини бекор қилиш.</p> <p>2. Миллий илмий нашрларнинг электрон рейтингини орқали Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси асосида тузиш.</p>	Доимий, тасдиқланган тартиб асосида	Олий аттестация комиссияси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	Маблағ талаб этилмайди
4.	Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва назорат қилишни жойларга бериш.	<p>1. Илмий кенгашларни тузиш ва улар фаолиятига раҳбарлик қилиш тўғрисида олий таълим ва илмий ташкилотлар ҳамда улар бўйсинувчи вазирлик ва идоралар ваколатига ўтказиш.</p> <p>2. Илмий кенгашлар фаолиятини мониторинг қилиш.</p>	Доимий, тасдиқланган тартиб асосида	Олий аттестация комиссияси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	Маблағ талаб этилмайди

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
II. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш					
5.	Олий таълим ташкилотларида талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш.	<p>1. Олий таълим ташкилотлари талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тартибини ишлаб чиқиш ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазири буйруғи билан тасдиқлаш.</p> <p>2. Тасдиқланган тартиб асосида олий таълим муассасалари ректорлари томонидан ички танловлар ташкил этиш.</p> <p>3. Танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ва инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.</p>	<p>2025 йил март</p> <p>Доимий, тасдиқланган тартиб асосида</p>	<p>Инновацион ривожланиш агентлиги</p> <p>Олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари)</p>	Тасдиқланган тартиб асосида
6.	“Касбий таълим” платформасини ишлаб чиқиш ва “Электрон ҳукумат” тизими билан интеграция қилиш.	<p>1. Платформа паспорти, концепцияси ва техник топшириғини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Платформа техник топшириғини экспертизадан ўтказиш.</p> <p>3. Платформани ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.</p> <p>4. Платформани амалиётга жорий қилиш.</p>	<p>2025 йил апрель</p> <p>2025 йил июль</p> <p>2025 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p> <p>Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси, Касбий таълим тизимини ривожлантириш департаменти</p>	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси
7.	“Олий таълим жараёнларини бошқариш – NEMIS” ахборот тизимида олийгоҳлар учун	1. Олийгоҳларда мавжуд буйруқлар турларини хатловдан ўтказиш ва уларнинг электрон намуналарини шакллантириш	2025 йил июнь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот-	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
	буйруқларни шакллантириш ва QR код (ЭРИ) билан тасдиқлаш функциясини яратиш ва амалиётга жорий этиш.	<p>2. Ахборот тизимида буйруқларни QR код (ЭРИ) билан тасдиқлаш функциясини ишлаб чиқиш</p> <p>3. Функцияни амалиётга жорий этиш бўйича мавжуд регламентларга тегишли ўзгартиришлар киритиш</p>	<p>2025 йил июль</p> <p>2025 йил август</p>	<p>коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси, Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш, таълим сифатини таъминлаш департаменти</p>	<p>таълим технологияларини ривожлантириш маркази маблағлари</p>
8.	“Олий таълим жараёнларини бошқариш – HEMIS ” ахборот тизимида рейтинг қайдномаларни шакллантириш жараёнларини такомиллаштириш.	<p>1. Рейтинг қайдномаларини электрон намуналарини шакллантириш</p> <p>2. Ахборот тизимида рейтинг қайдномаларини QR код (ЭРИ) билан тасдиқлаш функциясини яратиш</p> <p>3. Ахборот тизимида рейтинг қайдномаларини экспорт қилиб олиш функциясини жорий этиш.</p> <p>Бунда, қайдномаларни ПДФ форматда шакллантириш, QR-код билан тасдиқлаш ҳамда экспорт қилиш имкониятларини яратиш.</p>	<p>2025 йил май</p> <p>2025 йил июнь</p> <p>2025 йил июль</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси, Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш, таълим сифатини таъминлаш департаменти</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази маблағлари</p>

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
9.	Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари ички аудит хизматлари ходимларининг молиявий қонун бузилишларни олдини олиш ва профилактикаси бўйича иш самарадорлигини ошириш.	<p>1. Олий таълим муассасалар ички аудит хизматлари томонидан тақдим этилган ҳисоботлари асосида фаолият натижаларини баҳолаш ва рейтингини юритиш.</p> <p>2. Уларнинг фаолияти натижалари бўйича вазирлик раҳбариятига ахборот киритиш.</p>	<p>2025 йил давомида</p> <p>Ҳар ярим йил якуни билан</p>	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ички аудит бошқармаси, Коррупцияга қарши курашиш бўлими	Маблағ талаб этилмайди
10.	Хавф таҳлилларида рискни энг юқори бўлган тизим ва касбий таълим ташкилотларида ўтказиладиган назорат профилактика тадбирлари самарадорлигини ошириш.	<p>1. Комплекс (уларнинг стратегик мақсадлари кўрсаткичлари, бугунги кундаги Давлат, Ҳукумат раҳбарлари топшириқлари, соҳага оид ислохотларнинг жойлардаги ижроси, тизим ташкилоти раҳбарининг бугунги кун талабига қанчалик жавоб бериши) таҳлиллар амалга ошириш.</p> <p>2. Натижалари бўйича раҳбариятга умумий вазирлик хулосасини киритиш.</p>	2025 йил давомида	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ички аудит бошқармаси, Коррупцияга қарши курашиш бўлими	Маблағ талаб этилмайди
11.	Соҳадаги барча ахборот тизимлари ва маълумот базаларини инвентаризациядан ўтказиб, улардаги коррупцияга имконият яратиб бераётган бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	<p>1. Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда соҳадаги барча ахборот тизимлари ва маълумот базаларини инвентаризациядан ўтказиш.</p> <p>2. Коррупцияга имконият яратиб бераётган бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2025 йил 20 апрель</p> <p>2025 йил 30 апрель</p>	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси, Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази, таълим ташкилотлари	Маблағ талаб этилмайди

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
12.	Тизимда кўрсатилаётган хизматларни чуқур таҳлил қилиб, уларни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириш чораларини кўриш.	<p>1. Тизимда кўрсатилаётган хизматларни чуқур таҳлил қилиш.</p> <p>2. Хизматларни Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириш чораларини кўриш.</p>	<p>2025 йил 20 июль</p> <p>2025 йил 30 июль</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p> <p>Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси,</p> <p>Юридик таъминлаш бўлими,</p> <p>вазирлик тегишли бўлинмалари,</p> <p>Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази</p>	<p>Тасдиқланган харажатлар сметасига асосан</p>
13.	Диссертацияларнинг жамоавий электрон экспертизаси ахборот тизимини амалиётга жорий этиш.	<p>1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.</p> <p>2. Лойиҳани босқичма-босқич (тест режимида) жорий этиш.</p> <p>3. Ахборот тизимини амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил сентябрь</p> <p>2025 йил декабрь</p> <p>2026 йил январь</p>	<p>Олий аттестация комиссияси,</p> <p>Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги</p> <p>Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси</p>	<p>Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан</p>
14.	Илмий даража олган шахсларнинг кейинги илмий фаолиятининг электрон мониторингини юритиш	<p>1. Лойиҳаолди ўрганишни ва маълумотлар таҳлилининг амалга ошириш.</p> <p>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.</p>	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2025 йил декабрь</p> <p>2026 йил</p>	<p>Олий аттестация комиссияси,</p> <p>Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги</p>	<p>Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан</p>

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
	ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	3. Лойихани босқичма-босқич тест режимида ишга тушириш ва амалиётга жорий этиш.	январь	Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	
15.	Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш хизматини Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали кўрсатишни йўлга қўйиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маъмурий регламент ишлаб чиқиш. 2. Лойиха техник ҳужжатларини тасдиқлаш. 3. Хизматни ЯИДХП билан интеграция қилиш. 4. Хизматни ЯИДХПда жорий этиш. 	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p> <p>2025 йил ноябрь</p> <p>2025 йил декабрь</p>	Олий аттестация комиссияси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан
16.	Хавф таҳлилларида rischi энг юқори бўлган олий таълим ва илмий ташкилотларда ўтказиладиган назорат профилактика тадбирлари самарадорлигини ошириш.	Илмий кенгашлар фаолияти таҳлилинини амалга ошириш ва натижаларини жойида муҳокама қилинган ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил қилиш	2025 йил давомида	Олий аттестация комиссияси, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси	Маблағ талаб этилмайди
17.	Инновацион ривожланиш агентлигида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Агентликда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (бўлими)ни ташкил этиш бўйича тегишли буйруқ лойихасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Янги ташкил этилган бўлим учун ҳалол, фидойи ва профессионал кадрларни жалб этиш чораларини кўриш. 3. Бўлим фаолиятини йўлга қўйиш. 	<p>2025 йил май</p> <p>2025 йил июнь</p> <p>август</p>	Инновацион ривожланиш агентлиги	Маблағ талаб этилмайди


Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
18.	<p>Инновацион ривожланиш агентлигида янги ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (бўлими) ходимларига Агентлик томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг мониторинг жараёнини онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиш.</p>	<p>1. Инновацион ривожланиш агентлигида янги ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (бўлими) ходимлари учун loyiha.ilmiy.uz махсус платформасида махсус профиллар очиш.</p> <p>2. loyiha.ilmiy.uz махсус платформасида Агентлик томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг мониторинг жараёнини онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиш.</p> <p>3. Кузатув натижасида аниқланган коррупциявий ҳолатлар юзасидан ҳар чоракда таҳлилий ахборот тайёрлаш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йилдан бошлаб ҳар чоракда</p>	<p>Инновацион ривожланиш агентлиги</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>
19.	<p>Инновацион ривожланиш агентлигида янги ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (бўлими) ходимларига олий таълимдан кейинги таълимга қабул жараёнларини онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиш.</p>	<p>1. Инновацион ривожланиш агентлигида янги ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (бўлими) ходимлари учун daraja.ilmiy.uz махсус платформасида махсус профиллар очиш.</p> <p>2. daraja.ilmiy.uz махсус платформаларида олий таълимдан кейинги таълимга қабул жараёнларини онлайн кузатиб бориш имкониятини яратиш.</p> <p>3. Кузатув натижасида аниқланган коррупциявий ҳолатлар юзасидан ҳар чоракда таҳлилий ахборот тайёрлаш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йилдан бошлаб ҳар чоракда</p>	<p>Инновацион ривожланиш агентлиги</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>
III. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш					
20.	<p>“Тарбия” фани доирасида ўғил-қизларимизга ҳалоллик, бировни ҳақиқа хиёнат қилмаслик каби эзгу ғояларни содда тилда тушунтириб бориш.</p>	<p>“Тарбия” фани доирасида талаба ва ўқувчиларга ҳалоллик, бировни ҳақиқа хиёнат қилмаслик каби эзгу ғояларни содда тилда тушунтириш бўйича суҳбатларни ташкил этиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Олий ва касбий таълим ташкилотлари, Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш маркази, Ёшлар сиёсати ва маънавий-</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>


Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
				тарбиявий ишлар бошқармаси	
21.	Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш.	<p>1. Техникумлардаги тегишли фанларга коррупцияга қарши курашиш бўйича мавзулар киритиш.</p> <p>2. Техникум ўқувчилари учун ўқув жараёнидан ташқари коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув курс ташкил қилиш.</p> <p>3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш ҳам техникум ўқувчиларига етказишни таъминлаш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p> <p>2025 йил октябрь</p>	Касбий таълим ташкилотлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Касбий таълим тизимини ривожлантириш департаменти, Коррупцияга қарши курашиш бўлими	Маблағ талаб этилмайди
22.	Ёш авлод онгига ҳалоллик кадриятларини сингдириш ва коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш.	“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабаларини махсус дастурлар асосида таълим олишларини ташкиллаштириш.	2025 йил давомида	Олий ва касбий таълим ташкилотлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими	Маблағ талаб этилмайди
23.	Қонунбузарлик ҳолатларини ёритиш, аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича роликлар тайёрлаш ва кенг тарғиб қилиш.	<p>1. Олий таълим ва илм-фан соҳасида коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳамда унинг оқибати юзасидан ижтимоий роликлар тайёрлаш ва телеканаллар орқали эфирга узатилиш.</p> <p>2. “Коррупцияга қарши курашиш бутун бир жамиятимизнинг иши!” мавзусида марказий босма нашрларда мақолалар чоп этиш.</p> <p>3. Ижтимоий роликларни ижтимоий тармоқ фаоллари, блогерлар, вазирлик ва идораларнинг расмий саҳифалари орқали тарғиб қилиш.</p>	2025 йил давомида	Олий ва касбий таълим ташкилотлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизматлари бўлими	Тасдиқланган харажатлар сметасига асосан


Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
24.	Олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш ва уларни коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фаол жалб этиш.	Олий таълим муассасалари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари томонидан доимий равишда молиявий ҳисоботларни ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни муҳокама қилиб бориш. Олий таълим муассасаларини Худудий кенгаш фаолиятига жалб қилиш, Кенгашнинг илмий экспертлик салоҳиятини оширишда иштирок этиш.	2025 йил давомида	Олий таълим муассасалари	Маблағ талаб этилмайди
25.	Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни расмий веб-сайтга тизимли равишда ва сифатли жойлаб бориш чораларини кўриш.	Фаолиятига доир ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни веб-сайтга жойлаш.	2025 йил ҳар чоракда	Олий таълим муассасалари, тизим ташкилотлари, худудий бошқармалар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизматлари бўлими	Маблағ талаб этилмайди
26.	Олий таълим ва илмий ташкилотлар илмий котиблари, илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар илмий котибларининг соҳага оид саводхонлигини ошириш.	Олий таълим ва илмий ташкилотлар илмий котиблари, илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар илмий котибларига коррупцияга қарши курашиш бўйича семинар ташкил қилиш.	2025 йил май, ноябрь	Олий аттестация комиссияси	Маблағ талаб этилмайди
27.	Қонунбузарлик ҳолатларини ёритиш, аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўргазмали материаллар тайёрлаш ва кенг тарғиб қилиш.	1. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасида коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳамда унинг оқибати юзасидан кўргазмали материаллар тайёрлаш ва кенг тарғиб қилиш.	2025 йил давомида	Олий аттестация комиссияси	Маблағ талаб этилмайди

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси
		<p>2. “Коррупцияга қарши курашишга ҳар биримиз масъулмиз!” мавзусида босма нашрларда мақолалар чоп этиш.</p> <p>3. Кўргазмали материалларни вазирлик ва идораларнинг расмий саҳифалари орқали тарғиб қилиш.</p>			
28.	Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни расмий веб-сайтга тизимли равишда ва сифатли жойлаб бориш чораларини кўриш.	Фаолиятига доир ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштириб бориш.	2025 йил ҳар чоракда	Олий аттестация комиссияси	Маблағ талаб этилмайди


 (А. Назиров)
 Э. Шейх
 (Ш. Ахмедов)


 (У. Амиров)


 (Н. Қасимов)


 (А. Мамаянзоров)


 (К. Султанов)


 (Н. Муров)


 (А. Абдуражабов)